

Ҳаж ҳақида (3)

05:00 / 16.01.2017 4162

Тавоф чоғида тиловатдан зикр афзалдир

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида, тавоф пайтида тиловат қилиш хилофи авло, яъни номуносиб ишдир. Шунинг учун тавоф пайтида Қуръони Карим тиловатидан зикр ва дуо афзалдир.

("ал-Баҳрур роиқ", "Раддул муҳтор", "Ғунятун носик")

Нафл тавоф нафл намоздан афзалдир

"Масжиди Ҳаромда нафл намоз афзалми ёки нафл тавофми?" деган савол ҳожиларимизда туғилиши табиийдир. Буни шундай изоҳланадики, ҳаж мавсумида Макка аҳли учун нафл тавофдан нафл намоз афзал. Ташқаридан келувчи зиёратчилар учун нафл тавоф нафл намоздан афзалдир. Ҳаж мавсумидан бошқа кунларда маккалик бўлганлар учун ҳам, маккалик бўлмаганлар учун ҳам нафл намоздан нафл тавоф афзал ва яхшироқдир.

Аслини олганда, Масжиди Ҳаромда ҳар қандай киши учун ҳам нафл тавоф нафл намоздан афзал, лекин Макка аҳли учун йилнинг ҳаж мавсумидан бошқа кунларида нафл тавоф қилишга имкон топилади. Ташқаридан келувчи зиёратчилар эса бундай имконга деярли ҳаж мавсумида эга бўладилар, холос. Агар ҳаж мавсумида маккаликлар ҳам нафл тавоф қилиб, тиқилинч пайдо қилсалар, ташқаридан келганларнинг бемалол тавоф қилишларида машаққат туғилади. Шу сабабли ҳаж мавсумида Макка аҳли учун нафл намоз нафл тавофдан афзал, деб айтилади.

("ал-Баҳрур роиқ").

Тавоф вақтида Каъбатуллоҳга яқин бўлиш

Тавоф вақтида имкон қадар Каъбатуллоҳга яқин бўлиб айланиш афзал ва яхшироқдир, албатта, бирор кишига озор етказмаслик шарти билан.

("ал-Баҳрур роиқ")

Ҳар бир тавофдан кейин икки ракъат тавоф намози

Ҳар бир тавоф (етти айлана)дан кейин икки ракъат намоз ўқиш вожибдир. Уни тарк қилиш жуда катта гуноҳ. Бу ҳукм фарз тавофга ҳам, вожиб тавофга ҳам, нафл тавофга ҳам тегишлидир.

("ад-Дуррул мухтор", "Ийзоҳут таҳовий").

Мақоми Иброҳим ёнида тавоф намози

Тавоф намозини имкон қадар мақоми Иброҳимнинг ёнида ўқиш афзал ва яхшироқдир. Агар унинг ёнида жой бўлмаса, ҳатийм ичида (раҳмат тарнови остида) ўқилади. У ерда жой топилмаса, Масжиди Ҳаромнинг исталган ерида ўқилади. Киши бу намозни Масжиди Ҳаромда ҳам ўқий олмаса, Ҳарам ҳудудининг қаерида бўлса ҳам ўқиса бўлаверади.

("Ғунятун носик").

Тавоф намози учун макон ёки замон қайдланмаган

Тавоф намозини ўқиш учун замон ва макон тайин қилинган эмас. Балки, уни хоҳ Ҳарам ҳудудида бўлсин, хоҳ Ҳарам ҳудудидан ташқарида бўлсин - дунёнинг қаерида бўлса ҳам адо этиш жоиздир. Лекин Масжиди Ҳаромнинг ичида адо қилиш афзал ҳамда суннатга мувофиқдир. Агар киши тавоф намозини бирор сабаб туфайли Масжиди Ҳаромда адо қила олмаса, уни Ҳарам ҳудудида адо этади. Бунда ҳам адо қила олмаса, дунёнинг

қаерида бўлса ҳам адо қилиши жоиз, лекин уни Ҳарам ҳудудидан ташқарида адо қилиш суннатга хилоф бўлгани учун макруҳдир. Чунки унда одатдан ташқари кечиктириш бор.

("Раддул муҳтор").

Тавоф намозини тарк қилиш билан қурбонлик лозим бўладими?

Тавоф намози ҳам тавофнинг муҳим вожибларидан биридир. Шунинг учун, агар бирор киши тавоф намозини тарк қилса, унга вожибни тарк қилгани сабабли қурбонлик лозим бўладими ёки йўқми? Бу борада фуқаҳои киромлар ихтилоф қилганлар. (Шуни ёдда тутиш керакки, бу намоз тарк этилганлиги инсоннинг ўлими вақтида маълум бўлади. Чунки ҳаёти давомида уни адо этиш имкони бор эди)

Баъзи фуқаҳолар вожиб тарк этилгани учун бу суратда қурбонлик лозимдир, деб айтганлар. Шу сабабли уларнинг наздида, киши ўлими олдидан мазкур каффорат қурбонлигини Ҳарамда сўйдиришларини ворисларига васият қилиши лозим бўлади.

Айрим фуқаҳолар эса бундай суратда ҳеч қандай қурбонлик вожиб эмас, деганлар. Мутааххир (кейинги) уламолар иккинчи ("бундай суратда ҳеч қандай қурбонлик вожиб эмас" деган) қавлни қувватли деб ҳисоблаганлар, лекин биринчи қавл эҳтиётлироқдир.

("Раддул муҳтор").

Кетма-кет қилинган икки тавофнинг намозини қўшиб адо этиш

Тавоф ва тавоф намози орасида хос боғлиқлик бўлгани учун ҳар бир тавофнинг намозини иккинчи тавофдан олдин ўқиш лозимдир. Шу сабабли имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида бир тавофдан фориғ бўлиб, унинг намозини адо этмай, иккинчи тавофни

қилиш макруҳдир.

("Раддул муҳтор", "Ийзоҳут таҳовий").

Каъба ҳатиймида намоз ўқиш

Ҳатийм - Каъбатуллоҳнинг бир қисмидир. Агар бирор киши Каъба ичида намоз ўқишни назр қилса, уни ҳатиймда ўқиш билан назрига вафо қилган (сўзининг устидан чиққан) бўлади.

("Авжазул масолик", "Ийзоҳут таҳовий").

Тавоф қилинадиган жойда намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтиш

Намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтиш катта гуноҳ эканлиги ҳадис ва фикҳ китобларида очиқ-ойдин зикр қилинган. Лекин тавоф қилувчининг намоз ўқиётган киши олдидан ўтиши бундан мустасно. Яъни, тавоф қилаётган киши Масжиди Ҳаромда намоз ўқиётганнинг олдидан сажда қиладиган ўрнини босмай (тахминан 1 метр наридан) ўтиши бекароҳат жоиздир.

("Раддул муҳтор", "Маносики Мулло Али Қорий").

Бомдод вақтида ва аср намозидан кейин тавоф намози

Бомдод вақтида (тонг отгандан то қуёш чиққунча) ва аср намозидан кейин, яъни нафл намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтларда тавоф қилиш барча уламолар наздида жоиздир. Лекин бу вақтларда тавоф намозини ўқиш имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ наздларида макруҳдир. У зотнинг сўзларига кўра бомдод вақтида тавоф қилган киши тавоф намозини қуёш чиққанидан кейин, аср намозидан кейин тавоф қилган киши эса қуёш ботганидан кейин ўқийди. Агар бу вақтларда кетма-кет бир неча тавоф қилинса, барча тавоф намозлари қуёш чиқиши ёки ботишигача

тўхтатилади. Ундан кейин тартиби билан ўқилаверади. Демак, бу вақтларда тавоф намозисиз кетма-кет тавоф қилиш у кишининг наздларида бекароҳат жоиз экан.

Лекин ҳанафий мазҳабидаги буюк уламолардан бири имом Таховий раҳимаҳуллоҳнинг наздларида бу вақтларда тавофдан кейин тавоф намози ҳам бекароҳат жоиз ва дурустдир. Мавлоно Абдулҳай Лакҳнавий имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳнинг “Мувааттоъ” сига ёзган ҳошияси “Ат-таълиқул Мумажжад” да имом Таховийнинг қавлларини қувватлаганлар ва ўзлари ҳам шунга мувофиқ амал қилишларини айтганлар. Шунингдек, имом Молик, имом Шофеъий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳумуллоҳ наздларида ҳам бу вақтларда тавоф намозини ўқиш бекароҳат жоиздир.

Шу ўринда бундай савол туғилади: агар бирор киши аср намозидан кейин умра тавофини қилса, ундан кейин саъй ҳам қилиши керак. Ваҳоланки, йилнинг узун кунлари Масжиди Ҳаромда аср намози қуёш ботишидан 2,5-3 соат олдин ўқилади. Дейлик, умра қилувчи ўн беш дақиқада тавоф қилиб олди. Саъй қилишдан олдин тавоф намозини ўқимаса, умра тартиби бузилади. Шунингдек, аср намозидан кейин қайта-қайта тавоф қилмоқчи бўлган киши ҳар бир тавофдан сўнг тавоф намозини ўқиб олмаса, тартиби бузилади ва яна санокда адашиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда у нима қилади? Юқоридаги имомлардан қайси бирларининг қавлларига амал қилсин?

Бу саволга жавоб беришда, имом Таховийдек ҳанафий мазҳабининг суянчиғи бўлган кишининг мазкур вақтларда тавоф намози жоиз эканлигини турли далиллар билан исботлаганлари ҳамда мавлоно Абдулҳай Лакҳнавий ҳам у кишига ҳамфикр эканликларини ҳисобга олишимиз керак. Яна бир гап. Витр намозининг вожиблиги борасида уламолар ўртасида ихтилоф бор. Фақат имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида вожибдир. Қолган уч имом ва соҳибайнларнинг наздларида вожиб эмас, балки суннатдир. Шундай бўлса-да, барча имомлар витр намозининг қазосини бомдод вақтида ўқиш жоиз, деб айтганлар. Тавоф намози эса барча имомларимиз наздида ҳеч бир ихтилофсиз вожибдир. Шу сабабли мазкур вақтларда тавоф намозини ўқиш ҳам бекароҳат жоиз

бўлиши керак.

Саудия Арабистонида соя икки баробар бўлишидан олдин аср намози

Саудия Арабистонида аср намози ҳар бир нарсанинг сояси (аслий соядан ташқари) икки баробар бўлишидан олдин (бир баробар бўлиши биланоқ) ўқилади. Агар ҳанафийлар ўз мазҳабларига мувофиқ аср вақтини, яъни ҳар бир нарсанинг сояси икки баробар бўлишини кутсалар, у ердаги масжидларда аср намозини жамоат билан топа олмайдилар.

Дарҳақиқат, имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг машхур қавлларига кўра, соя икки баробар бўлишидан олдин аср намози ўқилмайди. Лекин у кишининг бу борада айтган иккинчи қавлларига мувофиқ, аср намозини соя икки баробар бўлишидан олдин ҳам ўқиш дурустдир. Шунингдек, мавлоно Рашид Аҳмад Гангуҳий раҳимаҳуллоҳ (ўз ўлкалари) Ҳиндистон мусулмонлари учун ҳам Ҳижоз аҳлига ўхшаб аср намозини соя икки баробар бўлишидан олдин ўқишларини рожиҳ (қувватли) деб ҳисоблаганлар.

Аллома Алоуддин Ҳаскафий ҳам “Ад-дуррул мухтор” да имом Таховий ва бошқа уламолардан "аср намози соя бир баробар бўлганидан кейин ўқилса бўлаверади", деган қавлни рожиҳ (қувватли), маъмулун биҳи (шунга амал қилинган) ва муфто биҳи (шунга фатфо берилган) деб нақл қилганлар. Яна бу қавл имом Абу Юсуф, имом Муҳаммад, имом Зуфар, имом Молик, имом Шофеъий ва Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳумуллоҳ мазҳабларига ҳам мувофиқдир.

Шунинг учун Саудия Арабистонида Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг иккинчи қавлларига ва Рашид Аҳмад Гангуҳий фатволарига ҳамда барча мужтаҳид имомларнинг маслағига мувофиқ, аср намозини у ердаги масжидларда жамоат билан ўқиш керак. Хусусан, ҳарамайни шарифайндаги жамоат фазилатидан киши ўзини ҳаргиз маҳрум қилмаслиги лозим. Яна ҳанафий

мазҳабига кўра, бомдод намозини тонг ёришгандан кейин ўқиш мустаҳаб. Лекин у ерларда бомдод намози тонг қоронғусида ўқилади. Бунга ҳам ҳеч иккиланмай иштирок этиш керак.

Фоида. Мазкур фатво ҳожиларимиз ҳарамайндаги жамоатлардан маҳрум қолмасликлари учун ёзилди. Аммо, ўз юртларимизда эҳтиётга амал қилишимиз учун пешин намозини ҳар нарсанинг сояси бир баробар бўлишидан олдин, аср намозини эса соя икки баробар бўлганидан сўнг ўқишимиз лозим. Бомдод намозини ҳам тонг ёришгандан кейин адо этишимиз афзал.

Рамазондаги витр намозида ҳанафий киши Ҳарамайн имомларига иқтидо қилиши

Ҳанафийлар наздида витрнинг уччала ракъати бир салом билан ўқилиши лозим. Яъни, икки ракъатдан сўнг салом бериб, яна бир ракъат алоҳида ўқиш жоиз эмас. Лекин қолган уч имомнинг наздларида икки ракъатда салом бериб, сўнг бир ракъатни мустақил бир салом билан ўқиш суннатдир. Ривоятлар ва далиллар икки томонда ҳам мавжуд. Ҳанафий уламоларнинг рожих, яъни қувватли ва фатво берилган қавллари шуки, ҳанафий киши витр намозини икки салом билан ўқийдиган имомга иқтидо қилиб ўқиса, у (ҳанафий)нинг витр намози дуруст ҳисобланмайди. Лекин ҳанафий уламоларнинг тўртинчи табақасидаги энг машҳур фақиҳ Имом Абу Бакр ал-Жассос ва аллома Ибн Ваҳбон айтадиларки, ҳанафий кишининг мазкур имом ортида ўқиган витр намози дуруст бўлаверади. Чунки бу масала мужтаҳадун фийҳ, яъни унда мужтаҳидлар ижтиҳод қилган ҳамда бир хилда қатъий тўхтамга келишмаган масаладир.

Масжиди Ҳаром ва масжиди Набавийда витр намози Рамазон ойида ҳамиша икки салом билан ўқилади. У ерда таровихдан сўнг витр намози бошланганда, ҳанафийларга катта қийинчилик пайдо бўлади. Масжиди Ҳаромда бирор илож қилиб (витрга иқтидо қилмай) тавофга машғул бўлиш мумкин. Лекин, масжиди Набавийда ҳанафийларнинг жамоатга иштирок этиш ёки иқтидо қилмай ўтириш ёхуд ўзлари алоҳида намоз ўқишдан

бошқа чоралари йўқ. Бунинг, яъни иқтидо қилмай ўтириш ёхуд ўзи алоҳида намоз ўқишнинг натижасида эса кишининг амалда бир катта жамоатга мухолафат (хилоф) қилаётгани яққол кўзга ташланади. Шу изтиробли кайфиятга тушган, яъни витрга иқтидо қилмаган ҳанафийнинг ўзи унинг сабабли катта жамоатнинг ҳайъати ўзгариб, ифтироқ (ажраш) пайдо бўлаётганини сезади. Шунинг учун ҳанафийларнинг муқаддас Ҳижоздаги имомлар ортида эргашиб ўқиган витр намозларини дуруст бўлади, деб айтишимиз керак. Биз қуйида мазкур намозда иқтидо қилишнинг дурустлигига учта далил келтирамиз.

1-далил. Зарурат вақтида мужтаҳиднинг машхур бўлмаган қавлига амал қилишга рухсат бор. У ердаги, яъни ҳарамайндаги зарурат ҳаммага маълум. Шунинг учун имом Абу Бакр ал-Жассос ва Ибн Ваҳбоннинг райларини ихтиёр қилиб ҳанафий киши учун муқаддас Ҳижоздаги имомларга иқтидо қилиб витр намозини ўқиш жоиз бўлади. Буни фуқаҳолар қуйидаги лафзлар билан нақл қилганлар.

تاعكز ثالشب ال مەدن عرتو ال هناعف نحلل بهذمف

ملسو رتولافى عفاشبى فنحى دتقا ول م عن ميسلستو نيدەشتب

م هبهذم قفو لوال عفشلالى لع امامال عفاشللا كلد

نابهو نباو يزارللا صاصجللا ركبى بابا دن عى فنحللاررتو حصررتولامتا

(ننسللا فراعم)

Таржима: "Ҳанафийлар наздида уч ракъат витр бир салом ҳамда икки ташаҳхуд билан машруъ бўлгандир. Ҳа албатта ҳанафий киши витр намозиде Шофеъий имомга иқтидо қилса ва у имом ўзининг мазҳабига

бўлади. Шунинг учун у ерда турган вақтиларида ҳанафийлар учун ҳокимнинг ҳукмига мувофиқ ўша ернинг одамларига ўхшаб икки салом билан витрни ўқиш жоиз бўлаверади. Зеро, ҳокимнинг мазкур ҳукми шариатга буткул хилоф ҳам эмас. Чунки тўрт имомдан уchtаларининг қавлларига мувофиқдир.

Буни ҳазрат уламолар қуйидаги лафзлар билан нақл қилганлар.

اهي ف دهتجم لاروم ال اى ف فالخ لل ع فار مك اح ل ا م ك ح ن ا

(مهل مل ا ح ت ف ة لم ك ت)

Таржима: "Ҳокимнинг ҳукми мужтаҳадун фийҳ масалаларда (қатъий бўлмаган масалаларда) ихтилофни тугатади, бартараф қилади" ("Такмилаи фатҳул мулҳим").

ن م ن ي ن ق ت ب ا ض ي ا ع ف ت ر ي ه ن ا ف ق ب ا س ل ل ا م ا ع ت ل ا ب ع ف ت ر ي ع ا ز ن ل ل ا ن ا م ك ف
ة م و ك ح ل ل ب ق

(مهل مل ا ح ت ف ة لم ك ت)

Тажима: "Таомулуннос, яъни одамлар орасидаги амал ва урфга қараб ихтилоф кўтарилгандек, ҳукумат тарафидан қонун чиқариш сабабли ҳам ихтилоф кўтарилади"

("Такмилаи фатҳул мулҳим").

3-далил. Аллома Анваршоҳ Кашмирий алайҳирраҳма ҳазрат Шайхул Ҳинд Маҳмуд Ҳасан алайҳирраҳманинг райларини ҳам имом Абу Бакр ал-

Жассоснинг райларига мувофиқ эканлигини нақл қиладиларки.

يذلا وه و صاصجلا بهذ هيل او يدتقملا لاجب ةربع الو

نيفلتخم مهنوك عم ريكن الب رخالاب مهذح اءاتقاو فلسلا ثراوتل هراتخا
عورفال ي ف

صاصجلا بهذم يلا بهذي اضيا ن سحلا دومحم دنهلا خيش انخي ش ناك و

(ىرابلا ضيف)

Таржима: "Муқтадийнинг ҳолатини эътиборга олинмайди. Мана шу Абу Бакр Жассоснинг ҳам маслакларидир. Салафи солиҳлардан мерос бўлиб келаётганлиги ҳамда улар фуруъда, яъни фикҳий масалада ўзаро ихтилофлари бўлсада, ҳеч бир инкорсиз бир бирларига иқтидо қилаверганлари учун мен ҳам шуни ихтиёр қиламан. Шайхимиз ҳазрат Шайхул ҳинд Маҳмуд Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ ҳам Абу Бакр ал-Жассоснинг райларини (витрда ҳанафий киши шофеъий имомга иқтидо қилса бўлаверади деган фикрларини) ихтиёр қилар эдилар.

("Файзул Борий").

Фойда: 1418 ҳижрий санада Бомбейнинг "Ҳаж Ҳоус"ида катта семинар бўлиб ўтди. Унда ҳеч бир ихтилофсиз тамоми уламо ва муфтий кировлар ҳам ҳарамайндаги имомларга витр намозида иқтидо этишнинг жоизлигига иттифоқ қилдилар. Мадинаи мунавварадаги буюк ҳанафий олим Ошиқи Илоҳий марҳум ва муфтий Рафиъ Усманийлар ҳам менинг ёнимда бунинг жоизлигига иттифоқ қилганлар.

Ҳарамайни шарифдаги намозларда аёлларни эркакларга яқин туриши

Масжиди Ҳаром ва Масжиди Набавийдаги жамоат намозларида аёллар ҳам иштирок этадилар. Масжиди Ҳаромда тўрт тарафдаги дарвозалардан кирибоқ аёлларнинг намоз ўринлари ажратиб қўйилган. Атрофидаги чиройли китоб жавонлар девор вазифасини ўтайди. Эркакларнинг у ерга кириши мумкин эмас. Масжиди Набавийнинг ҳам ўнг ва чап тарафида жуда катта қисми аёллар учун тайин қилинган. У ерга эркакларнинг ҳатто яқинлашиши ҳам жиноят. Шунинг учун Масжиди Набавийда масала осон. Лекин Масжиди Ҳаромда аёлларнинг алоҳида намоз ўқишлари учун шароитлар яратилган бўлса-да, улар намозда эркаклар орасига аралашиб, ажиб ва ғариб манзара пайдо қиладилар. Бир аёлнинг эркаклар сафига бетакаллуф кириб олиб, намозга иштирок этиши натижасида уч эркакнинг намози фосид бўлади: биринчиси - аёлнинг ўнг томонидаги; иккинчиси - аёлнинг чап томонидаги; учинчиси - аёлнинг орқасидаги эркак. Агар иккита аёл ёнма-ён туриб олса, тўрт, яъни ўнг ва чапдаги ҳамда орқадаги икки эркакларнинг намози фосид бўлади.

("Раддул муҳтор", "Фатово ҳиндийя", "Табйинул ҳақойиқ").

Ёнма-ён туриш туфайли эркакни намози бузилишида аёлнинг ҳукми бир

Аёлларнинг эркаклар билан баробар туриши масаласида барча аёлларнинг ҳукми бир. Эркак кишининг намози, унга бегона аёл ёнма-ён туриши сабабидан бузилганидек, онаси, синглиси, келини, хотини ва бошқа маҳрамлари сабабидан ҳам бузилади. Хусусан, Масжиди Ҳаромда одамлар ўзининг онаси ёки хотини, қизи ва бошқаларни ўзининг ёнига тургизиб олиб жамоатда иштирок этаётганини кўрамиз. Бу суратда эркакнинг намози фосид бўлади. Шундай қилиб Масжиди Ҳаромда минглаб эркаклар ўзларини намозларини ўзлари фосид қиладилар. Шунинг учун ҳар бир эркак бу масалани ёдида тутиши зарурдир.

("Раддул муҳтор", "ал-Баҳрур роиқ").

Муҳим масала: Агар тавоф вақтида намоз учун такбир айтилса, аёллар намозларини имомга иқтидо қилмасдан ўзлари ўқишлари ёки намоз пайтига яқин тавоф қилиш вақтида аёллар иложи борича ўзларини четга олишлари талаб этилади.

Намозда аёл кишининг орқа сафга ўтиши учун ишора қилиш

Жамоат намози бошлангандан сўнг бирор аёл эркак киши билан ёнма-ён туриб қолса ва эркак аёлнинг орқага ўтиши учун ишора қилса-ю, лекин у орқага ўтмаса, бу суратда эркак кишининг эмас, балки аёл кишининг намози бузилади.

("Раддул муҳтор", "ал-Баҳрур роиқ").

Ҳарамайн имомлари аёлларнинг намозини ҳам ният қилади

Бу масала ҳам аҳамиятга моликдирки, аёллар жамоатда иштирок этиб, имомга иқтидо қилган ҳолда намоз ўқишлари дуруст бўлиши учун имом уларнинг иқтидо қилишларини ҳам ният қилган бўлиши керак. Савол пайдо бўладики, ҳарамайни шарифайн имомлари аёлларнинг иқтидосини ҳам ният қиладими ёки йўқми?

Намоз бузилмаслиги учун аёл билан эркак орасида қанча масофа бўлади?

Жамоат намозида эркак киши билан аёл киши ўртасида бирор устун ёки масжиддаги сув идиш ёки катта сумка тўсиқ вазифасини бажарса ёхуд ораларида бир одам бемалол тура оладиган даражада бўш жой бўлса, бундай суратларда муҳозот(баробар, ёнма-ён туриш) вужудга келди, деб ҳисобланмайди. Шу боис икковининг намози ҳам дуруст бўлаверади.

Сафда аёл киши билан ёнма-ён турган эркак ўзидан кейинги бошқа эркак билан мазкур аёл орасида деворлик вазифасини ўтайди. Бундай бўлгач, фақат у(орадаги эркак)нинг намози бузилади, иккинчи эркакнинг намози эса бузилмайди.

("Фатово ҳиндийя", "Раддул муҳтор").